


Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 3 сентябрь пайшанба

Сотувда эркин нархда № 179 (1960)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ




*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси*

*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб:

**Исоқов Ҳожи-Мурод Исроилович**

**Мирзалиев Ҳайитали Турсунович сайлансинлар.**

2. **Ж. У. Ғайбуллаев** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 29 август.



# ЎЗБЕКИСТОН ТЎЙ ҚИЛАР БУГУН

### РЕПОРТАЖ

**ТОШКЕНТ**

Агар сиз бирор нарсага чиройли ният, тоза тилак билан қарасангиз, ўша нарса сизнинг ниятингиз, тилагингиз каби чиройли ва тоза бўлиб кўринади. Бир-биримизга хушфеъллик, хушгўзаллик билан муомалада бўлсак, бизларни нурми, ҳароратми, нимадир шундай боғлайдики, ўртада қудратли бир якдиллик, муштараклик пайдо бўлади. Бугун Ўзбекистон халқини МУСТАҚИЛЛИК деган эзгу сўз, Ватаннинг озодликка эришган энг улуғ куни — Истиқлол боғлади. Бугун одамлар бир-бирига очиқ чеҳралик ва самимият билан билан юзланаяптилар.

Эрта тонгдан шундай бўлди — Мустақиллик майдони, Навоий боғи, Амир Темур хиёбони, Хадра ва Халқлар Дўстлиги майдонлари, пойтахтимизнинг барча сўлим жойлари, маҳаллаларида байрам шодиёнаси бошланиб кетди. Одамлар оқими мавжланиб оқаётган дарёга ўхшайди. Халқ ўзини Халқ эканини сезди. Ватаннинг борар йўли аниқлигини яна бир бор англади. Пойдевори мустаҳкам юрт жаҳонни ҳайратга солиб қарсиллатиб тўй бераяпти.

Халқлар Дўстлиги майдонида янграган карнай-сурнай садолари нариён Чинозга уланди. Бериён Бўстонлиққа кетди. Янгийўлдаги карнаю сурнай овози Сирдарё-ю Жиззахга етди. Шу билан карнай-сурнай садоси Самарқандгача кетди. Бу садо Қашқадарё, Сурхон воҳасини ҳам тутди.

Хуллас, Ватан осмонида куй-қўшиқ. Заминида эса гулдан, нурдан чиройли одамлар. Ай, Яратган тўйдан айирмасин.

Бугун халқ ўз инон-ихтиёри, фахру ифтихори билан кўчага чиқди. Озодликнинг тантана қилганини олқишламоқ учун кишилар саф-саф бўлиб келишмоқда. Истиқлолнинг шиддатли тўлқини, гўё халқ. Бундай ҳолатда одамлардан гап сўрашга-да ҳожат йўқдай. Чунки, кўзлардаги, юзлардаги самимият ҳеч бир изоҳга сиғмайди. Етмишни қоралаган сурхондарёлик Нормурод бобо невараси билан айёмни томоша қилгани чиқибди.

— Телевизордан кўрганимдан ҳам ажойиб ўтаркан байрам. Тошкентнинг чиройини айтинг. Барибир телевизор бошқа, ҳақиқий ўзини кўрганинг бошқа экан-да, — дейди у.

Марғилонлик уста Неъматнинг гапларини қоғозга туширсак, ажойиб бир достон бўлади. Хоразмлик Матёқуб оғанинг дил сўзлари ҳар қандай мухбирни шошириб қўяди. Байрамга келган меҳмонларнинг айримлари дил сўзларига қулоқ тутдик. Бунинг янада шукуҳли, хосиятли экани уларнинг гапларида жо:

**Абдибек ҚУРМОНСЕЙИТОВ, Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятининг Турбат мавзесидан:**

— Ўзбекистоннинг ўтган йилги мустақиллик байрамига келган ҳамюртларим ўтиришларда, учрашувларда ярим йилгача таассуротларини гапириб юришди. Ўшанда келмаганимдан афсуслангандим. Шу боис бугун байрамдан икки кун илгари Тошкентга келдим. Шаҳрингиз ўзгариб кетибди. Айниқса, Сайлгоҳ кўчасидаги янги қурилишлар мени ҳайратга солди. Миллий услубда бунёд этилган чойхоналарни, уларга ҳамоҳанг уйғунлашиб кетган фавворани томоша қилиб биздаям шундай обидалар қуриларми-кан, деган ўй хаёлимдан ўтди. Рости, одамлар чеҳрасидаги шодонликни кўриб, уларга ҳавасим келди.

**Анора АННАҚИЛИЧЕВА, Туркманистон Республикаси Чоржўй вилояти:**

— Қизим Тошкентда ўқийди. Уни кўргани келувдим "Байрам томошаларини кўринг, кейин Чоржўйга кетасиз" деб қўймади. Яхшиям қолганим, бунақанги томошани яқин ўн йилларда кўрмагандим. "Болалар дунёси"нинг сайлгоҳ растасидаги бўлимидан мустақиллик тантанасидан эсдалик деб қўғирчоқ сотиб олдим.

Бола-чақалари билан сайр қилиб юрган оилаларнинг шодон юришлари, одамларнинг ҳамжиҳатлигини кўриб, ич-ичимдан қувондим. Шундай юртда яшаганларнинг армони бўлмаса керак, дедим ўзимга ўзим. Ўзбекистоннинг тинчу-осойишталиги одамларнинг ҳамжиҳатлиги юртингизнинг бекиёс бойлигидир.

**Жолдас ДАВИЛБОЕВ, қурувчи, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри:**

— Очиғи, иш, уй-рўзғор билан овора бўлиб, иш битсин деб юраверибмиз. У ёқ, бу ёқларга боришни ихтиёр қилмабмиз ҳам. Байрам куни Нукусдан Тошкентга учиб келдим. Миллий боғдаги тантаналарни томоша қилдик. Хуллас, шу куни, дўстим билан маза қилиб хордиқ чиқардик. Ҳовуз ўртасидаги кафеда чой ичиб ўтирувдик. Шу тобда болаларимни, оиламни олиб келмаганимдан афсусландим. Чунки бу бетакрор томошалар бир умр эсидан чиқмасди, уларнинг.

"Хуллас, одамлар қалбида улкан бир дарё оқаяпти. Истиқлол ҳаммамизнинг дилимизни ёритиб, тилимизни бурро этди. Қарашимиз тетик, қаддимиз тик, юришимиз ўктам.

Мустақиллик майдонига гўё бутун шаҳар кўчиб чиққандек. Қуёш кўкдан нур сочади. Бахтли чеҳраларда акс этган қувонч ва ифтихор ифодаси эътиборни тортмай иложи йўқ. Гурас-гурас одамлар байрамона безатилган майдон томон ошиқади. Куй-қўшиқларнинг сел қилувчи оҳанги олисларга таралади. Бу ҳаяжонли манзарани кузатиб истиқлол ва у берган неъматларнинг боқийлигига иймон келтирасан киши.

Марказий Фаввора олдида оилавий бўлиб суратга тушаётган бир тўп кишилар эътиборимизни тортди. Соқоли текис кузалган, чуст дўппили отахоннинг ёнида, афтидан, кампири, ёш келини, невара-лари....

— Қашқадарёдан келдик, — дея гап бошлади янги танишимиз. — Чироқчида Абрўй Бозоров десангиз, ҳамма билади. Ҳисобчиликдан пенсияга чиққанман. Ҳозир ҳам оёғимни узатиб ётганим йўқ. Фермерликка ҳаваси тушган, ука. Деҳқончилик қиламиз, мол-ҳол боқамиз. Мақсад — юртимизнинг фаровонлигига ўз ҳиссамизни қўшиш. Бир юмуш билан Тошканга келувдик, катта сайлнинг устидан чиқиб қолдик. Шундай кунларга етказганига шукр. Қаранг, одамлар қандай хурсанд, ҳамма ёқда тўкинчилик...- Нияти холиснинг йўли ҳам ойдин. Мана, етти йилликдан эсдалик булар деб, суратга ҳам тушдик.

Тантаналар кеч оқшомгача давом этди. Шу куни бош майдонда амалий ва тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Қандолатчилик маҳсулотлари намойиши бўлди. Савдо ва умумий овқатланиш ходимлари байрам қатнашчиларига сидқидилдан хизмат кўрсатдилар.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
**Носир ТОШЕВ,**
**Исматилла ТОШЕВ.**
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**


(Давоми 2-бетда)


## БОЖХОНА КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА ЭЪТИБОР

2 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг божхона коллежи очилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан очилган бу ўқув масканида илк бор юздан ортиқ иқтидорли ёш ўқишни бошлаб юборди.

Маълумки, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида ички бозорни ҳимоялаш, сифатсиз товарлар, қурол-яроғ, ўқ-дори ва наркотик моддалар олиб киришининг олдини олиш, давлат божлари ва йиғимларини ўз вақтида ундириш энг муҳим вазифалардан биридир. Бу эса замон талабларига жавоб берадиган, ҳар томонлама етук, чуқур билимли ва маънавий соғлом божхона ходимларини тарбиялаб вояга етказишни тақозо этади. Янги коллеж ана шу мақсадга хизмат қилади.

Янги илм масканининг очилиш маросимига бағишланган йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Худойқулов сўзга чиқди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

**(ЎзА)**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Азиз дўстим,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич ҳамда барча Ўзбекистон халқига энг самимий табрикларимни йўллайман.

Ўзбекистон халқи Мустақиллик йўлига кирган мана шу ажойиб кунда қанчадан-қанча авлодларимизнинг ўз аждодлари ерига ҳукмронлик қилиш орзуси ушалди. Ҳар бир халқнинг тарихий йўли жуда кўп мураккаб омил ва воқеаларга боғлиқ. Бу ўринда шуни афсус ва надоматлар билан қайд этишим лозимки, воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам биз истаган даражада юз беравермайди. Аммо мақсадга эришиш йўлимиз қанчалик мураккаб бўлса, биз эришган ютуқларимизни шунчалик қадрлашимиз лозим.

Шу нарсага ишончим тўла комилки, Мустақиллик кунини нишонлаётган Ўзбекистон халқи эришилган ютуқлардан тўла қаноат ҳосил қилиши мумкин. Латвия Ўзбекистоннинг минтақада, шунингдек, бутун халқаро доирада барқарорлик ва хавфсизликка эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Чунки сўнгги пайтда Афғонистонда юз бераётган воқеалар барчани ташвишга солмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга хос дўстлик ва ҳамкорлик руҳида яшаш тамойилида ривожланаётган Латвия Ўзбекистоннинг вужудга келган вазиятдан ташвишига шерик ҳамда Сизнинг вазиятни барқарорлаштириш борасидаги барча саъй-ҳаракатларингизга тўла қўшилади. Назаримда, халқингизнинг маданий ва маънавий қадриятлари Ўзбекистоннинг бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланишига асос бўлади ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга кўмаклашади.

Пировардида Сизни, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, шунингдек, Ўзбекистон халқини ёрқин Мустақиллик куни билан қутлашга ҳамда Сизга сиҳат-саломатлик ва бундан кейинги фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса равнақ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром ила

**Гунтис УЛМАНИС,**
**Латвия Республикаси Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни, бутун ўзбек халқини, барча ўзбек дўстларимизни миллий байрам — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан самимий табриклайман.

Биз Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги мавжуд муносабатларимиз билан фахрланамиз, ўзбек халқи билан дўстлигимизни юксак қадрлаймиз. Чунки бу дўстликда ташқи сиёсий алоқаларимиз тизимидаги устувор йўналишни ҳам кўрамиз.

Мустақиллигимизнинг дастлабки етти йили мураккаб сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, ўзлигимизни янги қиёфада тасаввур этиш йиллари бўлди. Бироқ Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар, иккала жигарбанд халқ ўртасидаги алоқалар ҳар қандай синов ва тафтишлардан юқори туради. Назаримда, бу ҳол барча туркман ва ўзбек сиёсатчиларига, давлатларимизнинг барча масъул фуқароларига доимий дастуриламал бўлмоғи лозим.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзаро шахсий муносабатларимиз ва бир-биримизга ишончимиз даражасини жуда юксак баҳолашимни алоҳида қайд этаман. Сизга сиҳат-саломатлик, ўзбек халқи равнақи йўлидаги меҳнатингизда муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром ила

**Сапармурод НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан Вьетнам халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ва Ўзбекистон халқига энг самимий қутловларимни йўллайман.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларида ажойиб ривожланиш қадамлари қўйилганлигини қайд этиб ўтишдан бахтиёрман.

Ўзбекистон Республикасида фаровонлик ва бахт-саодат тобора ортиб бораверсин.

Президент Жаноблари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва юксак лавозимингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

**Чан Дик ЛИОНГ,**
**Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан самимий қутловлар йўллашимга ижозат бергайсиз.

Давлатларимиз ўртасидаги самимий ва дўстона муносабатлар халқларимизнинг ўзаро фойдали манфаатлари йўлида жадал ривожланиб боришига қатъий ишонч билдириш учун шу имкониятдан фойдаланишимга рухсат этгайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига бундан буён ҳам тараққиёт ва равнақ тилашдан бахтиёрман.

**Бурҳониддин Юсуф ҲАБИБИЙ,**
**Индонезия Республикасининг Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Покистон ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийлари ҳамда Ўзбекистон ҳукуматига Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутлов йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам қардошлик алоқалари ўзаро ишонч ҳамда тарих ва маданиятларимизнинг чуқур илдизларга асосланган. Ишончим комилки, йиллар ўтгани сайин бу муносабатлар мустаҳкамланаверади.

Мен Парвардигордан Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда узоқ умр, шунингдек, қардош Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик ато этишини тилайман.

Менинг энг юксак эҳтиромимни қабул айлагайсиз, Жаноби Олийлари.

**Муҳаммад Рафиқ ТАРАР,**
**Покистон Ислом Республикаси Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг етти йиллиги нишонланиши муносабати билан Жазоир халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик, ўзбек халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилаш менга катта мамнуният бахш этади.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги алоқалар ривожланиб янада мустаҳкамланаверсин.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Лиамин ЗЕРУАЛ,**
**Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрик ва қутловларимни йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Мен мамлакатларимизни боғлаб турган дўстона муносабатлар халқларимиз равнақи йўлида янада ривожланаверишига астойдил ишонаман.

Сизга, Жаноби Олийлари, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва узоқ умр, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, равнақ ҳамда фаровонлик тилайман.

**Шаҳобиддин АҲМАД,**
**Бангладеш Халқ Республикаси Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз Жаноби Олийлари ҳамда Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Ҳиндистон билан Ўзбекистонни анъанавий илиқ тарихий муносабатлар боғлаб туради. Биз узоқ йиллар мобайнида давом этаётган, халқларимиз равнақи йўлидаги ҳар томонлама ва барқарор муносабатларимиз ривожини юксак қадрлаймиз.

Жаноби Олийлари,

Марҳамат қилиб, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромим, дўст Ўзбекистон халқига янада равнақ ва муваффақиятлар, шахсан ўзингизга сиҳат-саломатлик ва омонлик тилаб қилган ниятларимни қабул айлагайсиз.

**Кочерил Раман НАРАЯНАН,**
**Ҳиндистон Республикаси Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига Бирлашган Араб Амирликлари халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табрикларимни ва эзгу-тилакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Сиз Жаноби Олийларига улкан бахт, қардош Ўзбекистон халқига тараққиёт тилайман.

Ҳурмат ва эҳтиром ила,

**Зоид бин Султон ол-НАҲОЁН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни билан Сиз Жаноби Олийларини самимий табриклаш менга катта мамнуният бахш этади.

Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, қардош Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

**Мактум бин Рашид Ол-МАКТУМ,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни билан Сиз Жаноби Олийларини самимий табриклаш менга катта мамнуният бахш этади.

Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, қардош Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

**Султон бин Зоид Ол-НАҲОЁН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари**

МУСТАҚИЛЛИК: ЕТТИ ЙИЛ МЎЪЖИЗАЛАРИ

# ИҚТИСОДИЙ ЯНГИЛАНИШ

***Бир сўз билан айтганда, етти йил давомида биз келажагимиз пойдеворини қўйдик, истиқлол дарахтининг чуқур илдиз отишига, фарзандларимиз бахт-саодати йўлида эркин ва фаровон турмуш барпо этишга замин яратдик.***

(Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган табрик нутқидан).

## 1. Бойлик ўзимизники

Рақамлар — иқтисоднинг тили, унга жон бағишлайди, аммо иқтисодий ҳаётда шундай ўзгаришлар борки, уларни рақам билан ўлчаш мушкул: уларни қалбан ҳис этиш жоиз. Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётнинг маънавий жиҳатларини на ЭҲМ ҳисоблай олади ва на рақамлар ифодалай олади.

Мустақилликнинг бош иқтисодий якуни — она-юрт бойлигининг миллий мулкка айлантирилиши, унинг бутун халқ манфаати йўлида тасарруф этилиб, истиқлол мақсадларига хизмат қилаётганидир. Мамлакатимизнинг ўзиникига айланган табиий бойликлар ва меҳнат яратган бошқа неъматлар иқтисодий салоҳиятимизга катта ҳисса қўшди. Хориж мутахассислари Ўзбекистоннинг ер ости бойликларини 4 триллион АҚШ долларига тенг деб баҳоламоқдалар.

Беҳисоб бойликларнинг Ўзбекистон мулкига айланиши катта тарихий ҳодиса бўлиб, бу иқтисодий тараққиётни, бинобарин, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Аммо миллий мулк дегани сунъий нарса, миллий доирадаги мулкчилик хусусий, жамоа ва давлат мулкидан бошқа нарса эмас, деб унинг аҳамиятини камситиш нотўғри бўлур эди. Миллий мулк — мустақилликка хизмат қилувчи мулк, унинг аҳамиятини англаш учун шўролар даврини эсга олиш кифоя. 70-80 йилларда "Ўзбекистон — СССРнинг валюта цехи" деган ибора бор эди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ экспортида 3-ўринда туриб, ўз пахтаси, қоракўл териси, ипаги, олтини билан мамлакатнинг валюта хазинасини тўлдириб келган. Ўзбекистон ҳисобидан СССР ихтиёрига ҳар йили миллиард доллардан келиб турган, лекин бу пул марказ мулки бўлиб, Ўзбекистон ундан бир центни ҳам ололмаган. Ўзбек халқи ишлаб топган пул ҳам СССР бюджетида марказий вазирликлар ва идоралар ихтиёрида бўлиб, унинг қанчаси республикага тегиши юқорига боғлиқ эди.


(Давоми 3-бетда)


# ҲУРРИЯТ НАШИДАСИ

Ўтган сешанба куни юртимнинг ҳар гўшасида, айтиш мумкинки, ҳар бир хонадонида байрам шодиёнаси бўлди. Уйда кечгача қизларимиз, куёв, невараларни кутдик. Келганлардан сўрайман: "Кўчада одам кўпми?". Жавоб бир хилда: "Бутун халқ, бари-бари кўчага чиққандек". Ростини айтсам, уйда ўтиролмадик. Кечга яқин биз ҳам — чол-кампир шаҳар марказига отландик.

Ё, тавба, деймиз атрофга кўз ташлаб. Ёшу-қари кўча ва майдонларга чиққан. Улар руҳини кўрсангиз, кўзлари чўғдек ёнади. Болалар қувончига эса таъриф йўқ. Юртдошларимдаги кайфият бутунлай ўзгача. Ҳаммаси табиий. Кишилар шу қадар кўпки, зўрға қадам ташлаб бораяпмиз. Ҳар жой ҳар жойда ўйин-кулги, мусиқа садолари янграйди. Бир нарса бутун борлиғи билан кўзга ташланиб турарди — халқимизда миллий руҳ уйғонгани, ўз юрти билан фахрланиш туйғуси туп қўйиб, палак ёзмоқда, мустақиллик кунини чексиз шодиёналик билан нишонламоқда. Бу том маънодаги умумхалқ сайлини ҳеч ким, махсус буйруқ билан ташкил этгани йўқ. Табиий равишда шундай улуғворлик кашф этмоқда. Табиий нарса эса тенгсиз гўзал бўлади, қадрли бўлади. Етмишни қоралаб боряпман, лекин ҳали ҳеч қачон ҳеч ерда бу каби чиндан ҳам умумхалқ шодиёнасини кўрмаган эдим. Руҳим ғоят тетиклашди, белимга қувват киргандек ҳис этдим ўзимни. Шу кунларга етказгани учун Яратган эгамга ҳадсиз ҳамду-санолар айтдик.

Юртбошимиз таъкидлаб атганидек, дарҳақиқат, мустақиллик байрами Ўзбекистон аталмиш гўзал ва табиий, бетакрор ва табаррук заминда яшаётган ҳар қайси инсон учун, Ватанимизнинг ҳар бир фарзанди учун энг азиз, энг улуғ байрамга айланиб қолди.

Сайлгоҳ хиёбонида халқ бамисоли дарё каби оқиб бораяпти. Бир маҳал рўпарамиздан уч йигит келаётганлигига кўзимиз тушди. Байрам куни эмасми, бироз "ширин" бўлиб олишган. Туртилиб кетмайлик деган ниятда ўзимизни четга олдик. Буни улар сезишди, кела солиб:

— Ассалому алайкум, амакижон, опоқижон, байрамларингиз муборак бўлсин, — дейишди таъзим билан. — Айбга буюрмайсизлар, байрамчилик. Қўлларини кўксига қўйганча, бизни ўтказиб юбормагунларича жойларидан силжишмади. Шу ҳолатда ҳам миллий одоб, миллий руҳ устун келди. Қаттиқ ҳаяжонландик.

Кампиримга Сайлгоҳдаги киши дилини хушнуд этадиган чойхонани кўрсатмоқчи бўлдим. Бирига кўтарилдик. Одам тирбанд. Ҳай, дедик. Иккинчисига бордик. У ерда ҳам аҳвол шундай экан.

— Буни қара, бу ерда ҳам жой йўқ. Бироз дам олсак, бир пиёладан чой ичсак деган ниятда эдим.

Мен ҳеч кимдан сўраганим йўқ, чол-кампир ўзаро суҳбатлашдик. Ён томондан бир йигит ёшгина хушрўй хотини билан ўрнидан туриб жой бўшатишди. Стол устида ичидагисининг ярми ичилган "Кока-кола" шишаси, озгина шоколад ҳам турибди. Хижолат бўлдик. Буни сезишди шекилли:

— Дуо қилинглар, биз ҳам сизлардай бўлиб юрайлик, — дейишди.

Билсак, йигитнинг номи Аҳмаджон, келинники эса Муҳайё экан.

— Нима келтириб берайлик, "Фанта"ми ё "Кока-кола", — сўраса бўладими Аҳмаджон.

— Чой ичамиз, лекин ўзимиз олиб келамиз.

Қаёқда дейсиз, дарров чой келтирди, қолган шоколадларини бизга беришиб ижозат олишгач, хиёбон томон кетишди.

Бундай қараганда айтарли ҳеч нарса юз бергани йўқ. Лекин бошимиз еттинчи осмонда. Миллий қадр-қиммат дегани шу, инсонни улуғлайдиган, каттага иззат-ҳурмат кўрсатадиган миллатимнинг қадимий одати, қаддини тиклаётгани бу. Ҳа, кишиларимизнинг тафаккури ўзгараяпти. Маънавий қиёфаси ҳам. Миллатим ўзлигини англаяпти, аҳиллик, меҳр-оқибат, мурувват каби фазилатлар бўй чўзяпти.

Очиқ майдондаги шўх мусиқа овози шундай эшитилиб турибди. Кимдир ўртага тушиб яйраб-яйраб ўйнаяпти. Атрофдагилар завққа тўлган ҳолда қарсак чалишмоқда. Улкан фаввoрадан отилаётган оби-ҳаёт зарралари атрофга ажиб бир латофат бахш этган.

Ҳаяжон билан атрофдагиларга боқаман. Барчада ғурур, фахр ва ифтихор руҳини туяман. Сайлгоҳда, Мустақиллик майдонида, бошқа жойларда одим ташлаётган, байрамни нишонлаётган ҳар бир юртдошимда шу ҳолат, шу кайфият. Борлиғимиздаги ҳаяжонни сўз билан ифода этмоқ амри маҳол. Шундай кунлар келаркан, шундай воқеаларни кўрар эканмиз — нега шодланмайлик. Шу сўлим оқшомда ҳар бир кишининг қалби энг самимий, энг эзгу туйғулар билан лиммо-лим эди. Миллий ғурур, миллий руҳ — тенгсиз хислат, у чинакамига мўъжизалар яратажак. Шу руҳ юксалишимизнинг синмас қаноти, ўсиш, улғайишимизнинг тенгсиз манбаи.

Миллий ғururинг уйғонгани рост бўлсин, халқим. Раҳнамойимиз айтганларидек: "Бугунимиз ва эртамизни Оллоҳнинг ўзи ёмон кўзлардан, бало-қазолардан, офат ва фалокатлардан асрасин, эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!"

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

